

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

СУЯРОВ КУШАРБАЙ ТАШБАЕВИЧ

**ФИЗИК ЭКСПЕРИМЕНТЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЎҚУВ-
ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(академик лицейлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy on pedagogical
sciences**

Суяров Кушарбай Ташбаевич

Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик
кўникмаларини ривожлантириш 3

Суяров Кушарбай Ташбаевич

Развитие учебно-исследовательских умений у учащихся на основе
физических экспериментов 19

Suyarov Kusharbay Tashbaevich

Developing pupils' learning and research skills on the basis of physical
experiments 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

СУЯРОВ КУШАРБАЙ ТАШБАЕВИЧ

**ФИЗИК ЭКСПЕРИМЕНТЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЎҚУВ-
ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(академик лицейлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped1148 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (csri.uz.ilmiy-kengash) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усаров Жаббор Эшбекович
педагогика фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Маҳмудов Юсуп Ганиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Олимов Қосим
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д, профессор

Ф.Т.Ражабов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, география фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълимининг ривожланиши, илмий билиш ва унинг парадигмалари ўзгариши шароитида аниқ фанлар, жумладан, физика фани шахс интеллектуал салоҳияти ривожланишига таъсир кўрсатувчи кўп омилли феномен сифатида қаралмоқда. Замонавий физик тадқиқот ишларида ҳисоблаш математикаси усуллари ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг қўлланилиши, фанлараро илмий изланишлар, техник, физик экспериментал базанинг мураккаблашуви, физик тадқиқот ишларининг глобаллашуви (масалан, Катта Адрон Коллайдери) каби долзарб фундаментал муаммоларда ўзаро ҳамкорликда ишлайдиган замонавий компетентли тадқиқотчиларни тайёрлашни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга имкон берувчи ахборот-таълим муҳитини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида таълим олувчиларнинг изланиш фаоллиги, ижодкорлиги, тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган физик экспериментларни тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш замонавий дидактик воситалар, шакл ва методларни такомиллаштиришни тақозо этади. Бу борада физика ўқитишда интерфаол таълим методларини қўллаш, физика ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усуллари интеграциялаш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида мужассамлаштириш, ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, таълим жараёнига интерфаол педагогик технологияларни қўллаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада таълимнинг ахборотлашуви ва глобаллашуви, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси шароитида илмий фактларни таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, ечимларининг оптимал вариантларини топиш, муаммоли вазиятларда мустақил қарор чиқара олиш, тизимли тадқиқот ишлари олиб бориш ва ижобий натижаларни амалиётга жорий этишга қодир компетентли кадрларни тайёрлаш заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармони, 2017 йил 14 сентябрдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3274-сонли, 2017 йил 14 сентябрдаги «Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаш-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. 6-сон, 70 модда.

тирилган умумтаълим мактаб интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3275-сонли, 2019 йил 20 февралдаги «Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Президент мактабларини очиш тўғрисида»ги ПҚ-4199-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимлари, жумладан, О.К.Қувондиқов, К.А.Турсунметов, Ю.Пўлатовлар физика ўқитишни физик экспериментлар асосида такомиллаштириш, Д.Шодиев ва А.Авлёкуловлар ўқувчиларни фикрий экспериментларни ўтказишга тайёрлаш, М.Қурбонов, С.Ю.Маҳмудова ва Х.Х.Тожибоевалар эса физик экспериментнинг методик функцияларини кенгайтиришга бағишланган тадқиқотлар олиб борганлар. Б.Н.Нуриллаев ва Д.А.Бегматоваларнинг тадқиқот ишларида эса физика практикumi орқали таълим мазмуни ва умумий сифатларини кўтаришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган. Аммо республикамиз олимларининг илмий-тадқиқот ишларида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган муоммолар етарлича ўрганилмаган.

Россия олимларидан В.Г.Разумовский ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ўстириш, А.В.Усова ўқитиш жараёнида ўқувчида илмий тушунчаларнинг шаклланиши, Е.Е.Чудина ўқув-тадқиқот лойиҳалари, Н.Ф.Тализина ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш, А.И.Савенков ўқувчида тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш, А.В.Хуторский креатив ўқитиш технологияси, А.М.Матюшкин ижодий тадқиқотчилик фаолиятининг таълимдаги аҳамияти, Н.Г.Алексеев, А.В.Леонтович, А.С.Обухов, Л.Ф.Фоминалар ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш концепцияси, А.Н.Поддьяков ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг методологик асослари, Т.В.Августмонова, О.Г.Прокозова, О.Л.Байзулаева, Г.Ф.Мухамадиярова ва Е.Ю.Кравцовалар ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолияти, шахснинг ўзлигини намоён қилиш, замонавий англаш усуллари билан танишиш каби масалалар билан шуғулланганлар.

Хорижий мамлакатлар психолог-педагог олимлари (Р.Guilford, R.Broun, С.Martindal)нинг тадқиқот ишларида ўқувчидаги ижодий жараённинг психофизиологик (ҳиссиётлиги, ижодий жараённинг турли фазаларида фикрлаш фаолиятининг даражалари, интуиция) хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Узлуксиз таълим тизимида физика, астрономия фани ва уни

ўқитиш методикасини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – физик экспериментлар асосида аниқ фанлар йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогик ва илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришни педагогик муаммо сифатида ўрганиш, ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш методик тизимининг назарий асосларини ва унинг моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг психологик-педагогик шароитларини ёритиш, ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш;

физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган факультатив курс дастурини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тадқиқот ишларини бажаришда математик моделлардан ва замонавий таълим технологиялари дастурларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик лицей ўқувчиларида физик экспериментлар асосида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти (ТИҚХММИ), Андижон давлат университети (АндДУ) ҳузуридаги академик лицейларнинг жами 504 нафар ўқувчиси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети – аниқ фанлар йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида физик экспериментлар асосида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш шакллари, методлари, воситалари ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишининг бажарилишида ўқув-методик ва илмий-методик адабиётлар таҳлили, ўқув-тадқиқот ишларини бажариш жараёнини кузатиш, ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлик даражасини ташхислаш, эришилган натижаларнинг миқдорий, сифатий ва математик-статистик таҳлили.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий педагогик технологиялар (шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик фаолиятига асосланган, муаммоли изланиш) ҳамда таълим фаолияти элементлари (мотив, изланиш фаоллиги, фикрлашнинг конвергент ва дивергент даражалари, билишдаги когнитив ва креатив сифатлар)ни жорий этиш орқали ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими ишлаб чиқилган;

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнлари (индивидуал ишлаш, тажриба қурилмасини йиғиш, натижаларни таққослаш ва таҳлил қилиш) дидактик элементлар (тизимлилик, изчиллик, кўргазмалилик, функционаллик) туркумини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни (тадқиқот муаммоси, тадқиқот ғояси, тадқиқот методи) ва ташкилий тузилмаси амалий турдаги экспериментал (ижодий тадқиқотчилик тавсифидаги) топшириқларни дидактик хусусиятларига кўра тизимлаштириш ва уларнинг фанлараро боғлиқликдаги динамик хоссаларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

физик экспериментлар ва уларни ўтказишга қўйилаётган замонавий дидактик ҳамда методик талаблар асосида ўқув-тадқиқот ишининг ташкилий ва амалий жараёнларининг ўқув-методик таъминоти ўқув материаллари (математик моделлар, АКТ дастурлари ва факультатив курс дастури)ни киритиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган факультатив курс дастури ва ўқув режаси ишлаб чиқилган ҳамда уни амалиётга жорий этиш тавсия этилган;

аниқ фанлар йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган «Физикадан лаборатория ва намойиш тажриба ишлари» ва «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида физика лаборатория ишларини ўтказиш» номли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган;

ўқувчида ижодий фикрлаш ва ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар, методик ва дидактик материаллар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот ишида қўлланилган методик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишлари таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларининг ўзаро мутаносиблиги, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш методик тизимининг назарий асослари яратилганлиги ва ўқувчиларнинг физик экспериментларни ўтказиш бўйича тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш, ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолияти мотивини ошириш ҳамда уларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш орқали фанни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш усулини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш методик тизимининг ўқув-методик таъминоти (методик қўлланмалар, факультатив курс дастури) яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физик экспериментлар асосида академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

аниқ фанлар йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий педагогик технологиялар ҳамда таълим фаолияти элементларига оид таклифлар асосида «Физикадан лаборатория ва намоёниш тажриба ишлари» ва «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида физика лаборатория ишларини ўтказиш» номли ўқув қўлланмалар нашр қилинган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 89-03-2247-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу ўқув қўлланмалар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун методик таъминот амалга ошириш ҳамда ўқувчиларда физик экспериментларни бажариш кўникма ва малакаларининг ривожланишига хизмат қилган;

ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёнлари учун дидактик элементлар, ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси, амалий турдаги экспериментал топшириқларга оид таклифлар умумтаълим мактабларининг 8- ва 9-синф физика дарсликлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02-02/1-2256-сонли маълумотномаси). Мазкур дарсликлар умумтаълим мактаб ўқувчиларида ўқув мотивини оширишга хизмат қилган;

физик экспериментлар ва уларни ўтказишга қўйилаётган замонавий дидактик ҳамда методик талаблар асосида ўқув-тадқиқот ишининг ташкилий ва амалий жараёнларининг ўқув-методик таъминоти, ўқув материалларидан фойдаланиш имконини берувчи физик билимларни ривожлантиришнинг интерфаол технологиясига оид таклифлардан «Умумтаълим мактабларида физика фанидан лаборатория ишларини ўтказиш» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02-02/1-2256-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма умумтаълим мактаб ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Академик лицей ўқувчиларида физика ўқитишда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари бўйича ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи келтирилган ҳамда бу борадаги диссертация ишлари таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда таълим парадигмалари ўзгармоқда, яъни муайян ҳажмдаги аниқ билимларни ўқувчиларга етказишга йўналтирилган ўқитиш жараёнидан таълимнинг янги йўналишига ўтилмоқда. Бундай таълимга ўтиш зарурияти кўплаб олимлар, жумладан, А.В.Леонтович, А.Н.Поддьяков, А.С.Обухов, А.В.Хуторский, Б.М.Мирзахмедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ю.Пўлатов ва бошқаларнинг психологик-педагогик ишларида муҳокама этилган. «Ўқув-тадқиқот фаолияти», «ўқув-тадқиқот иши», «тадқиқотчилик қобилияти» «тадқиқотчилик кўникмаси» терминларининг моҳияти методик адабиётлар асосида таҳлил қилинди. Умумтаълим соҳасида ўқув-тадқиқот иши сўзининг маъноси ўқув тавсифидаги фаолият иши мазмунида ўз аксини топади. Илмий тадқиқот ишида бу фаолият янги бир натижа билан яқунланса, ўқув-тадқиқотчиликда ўқувчи шахсининг интеллектуал қобилиятлари ривожланиши (ҳамда фикрлаш фаолияти) бош мақсад сифатида қаралади.

А.В.Леонтович, А.И.Савенков, А.С.Обухов, А.В.Хуторский, П.В.Серденко, М.И.Старовников, А.Н.Гладкова, П.Ю.Рамонов, Б.Г.Мещеряков, С.А. Пиявкий ва бошқалар томонидан, шунингдек, «Ўзбек тили изоҳли луғати»да тадқиқотчилик кўникмасига берилган қарашларни таҳлил қилиш асосида психологик ва педагогик адабиётларда тадқиқотчилик кўникмаларининг таркиби тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас, деган хулосага келинди. Биз психолог ва педагог олимларнинг фикрларини умумлаштириб тадқиқотчилик кўникмасини куйидагича таърифладик: тадқиқотчилик кўникмалари дейилганда, илмий тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда ижодий фаолиятни самарали амалга оширишни тушунмоқ лозим. Тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш фаолиятнинг барча босқичларида турли фанлардан олинган билимлардан онгли равишда интегратив фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Академик лицей ўқувчиларини ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш ва физик экспериментлар асосида уларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни

кўрсатдики, у тизимли шахсий сифат ҳисобланади. Тадқиқотчилик шахсий сифати нафақат билим, кўникма ва малакалар билан баҳоланади, шунингдек, шахсдаги мотив, қизиқиш, изланиш, тажриба ва қадриятларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ўзига хослиги ва тавсифи ўқитиш мазмунида акс этади, унинг ривожланганлик даражаси эса, дидактик жараён натижаси ҳисобланади. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар, уларда физик экспериментлар асосида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш муаммосини ҳал этишда А.В.Леонтович, А.И.Савенков, А.С.Обухов, А.В.Хуторский, И.П. Подласый, Е.А.Румбешта ва П.Ю.Рамоновларнинг психологик-педагогик ғоялари тадқиқот ишимизга асос қилиб олинган.

Адабиётлар шарҳига таяниб, физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди. Биринчи омил – тадқиқот ишининг асоси: ўқувчиларда тадқиқот ишига оид ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш учун зарур бўлган мазмунни аниқлаштириш (илмийлик, тизимлилик, изчиллик, тушунарлилик, ўқувчиларнинг ёшига хос қобилияти ва имкониятлари билан мос бўлиши). Иккинчи омил – ташкилий-педагогик таъсир. Ташкилий-педагогик таъсир этувчи омиллар таркибига қуйидагилар киради: ўқитиш усуллари (суҳбат, ижодий турдаги ва экспериментал масалаларни ечиш, лаборатория машғулоти, билишга оид намоёниш тажрибалари), ўқув-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш (индивидуал ёки гуруҳий), ўқув жиҳозлари ва ўқув воситалари, ахборот таъминоти, назорат қилиш ва натижаларни текшириш ҳамда ўқитувчига қўйиладиган талаблар (ташкилотчилик, мулоқотмандлик, тадқиқотчилик, илмий билиш қобилиятлари). Дидактик жараён самарадорлигига таъсир кўрсатувчи учинчи омил – ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси (умумий тайёргарлик, яъни ўқув-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишлари учун таянч билимларнинг мавжудлиги, ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини эгаллаш қобилиятининг шаклланганлиги, шахсий сифатлар ва бошқалар). Тўртинчи омил – вақт (вақтни тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш). Бешинчи омил – таълим муассасасининг моддий ва методик захиралари. Ўқитишда таълим муассасасининг моддий таъминоти, ўқув муассасасида таълимни бошқариш сифати, методист ўқитувчилар ва ҳар бир педагогнинг касб маҳорати муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёнига юқорида санаб ўтилган омилларнинг мажмуали ёндашувини жорий этиш академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини муваффақиятли ривожлантириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Физик экспериментлар асосида академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими**» номли иккинчи боби ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш методик тизимининг назарий асослари ва унинг моделини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг

психологик-педагогик жиҳатларини ёритиш, физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш бўйича факультатив курсни ташкил этиш зарурияти ҳамда унинг ўқув дастури ва ўқув режасини ишлаб чиқиш, ўқув-тадқиқот ишини бажаришда математик моделлар ва замонавий АКТ дастурларидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмалари ривожланганлигини баҳолаш мезонларини аниқлашга бағишланган.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими методологияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши аниқланди:

1) ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш жараёни элементлари;

2) ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни объектлари;

3) ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёнидаги замонавий педагогик технологиялар;

4) ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмалари ривожланганлик даражасини баҳолаш.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими модели 1-расмда келтирилган (13-бетда).

Методик тизим таркибий қисмининг вазифаларини аниқлаштириб ўтамиз. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолияти жараёни элементларига қуйидаги: мақсадли, мазмунли ва процессуал каби таркибий қисмлар киритилган. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолияти жараёнининг мақсадли элементи қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган: ўқув тадқиқот ишига (физик экспериментни ўтказишга) қизиқадиган ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш; мажмуали ёндашув асосида ўқувчида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш (кузатиш, муаммони кўриш, иш ғоясини кўйиш); фикрлаш (критик, креатив, конвергент ва дивергент) қобилиятининг даражаларини ривожлантириш; ўқув-тадқиқот ишини бажариш, ишнинг натижасини таҳлил қилиш, ҳисобот ёзиш, тақдимот тайёрлаш, ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш жараёнининг мазмунли элементи қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган: ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган синфдан ташқарида бажариладиган ўқув-тадқиқот ишлари (физик экспериментлар) ўқув жараёнида ўрганилган назарий билим, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари мазмунига мос бўлиши; ўқув-тадқиқот иши мавзусининг танланишида ўқув муассасасининг моддий таъминоти ва академик лицей ўқувчиси ўқув-тадқиқот ишини бажара олиш имкониятлари эътиборга олиниши; методик тизимнинг мазмунли таркибий қисмига мувофиқ ишлаб чиқилган дидактик таъминотнинг мослиги (ахборот билан ишлаш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга доир топшириқларни бажариш мисолида).



1-расм. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими модели

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш жараёнининг процессуал элементи қуйидагилардан иборат: ўқув-тадқиқотчилик фао-

лиятининг элементларини ўзлаштириш (илмий билиш методлари, физик эксперимент ва унинг турлари, таҳлил ва синтез, ўқув-тадқиқот иши, тадқиқот гипотезаси, тадқиқот методи); ахборот билан ишлаш кўникмасини (тадқиқот иши учун энг муҳим бўлган ахборотларни излаб топиш, олинган маълумотдан иш жараёнида самарали фойдаланиш) ривожлантириш жараёни; конвергент, дивергент, критик, креатив фикрлашни (экспериментал топшириқларни бажаришда эришган таянч билимларни қўллаш олиш) ривожлантириш жараёни; экспериментни ўтказиш жараёнига (тадқиқот ишининг асосий тамойиллари билан танишиш, тадқиқот иши устида олиб бориладиган иш режасини тузиш, эксперимент учун зарур бўлган жиҳозларни аниқлаш, экспериментни ўтказиш методи билан танишиш, экспериментни мустақил ўтказиш) тайёрлаш; ўқув-тадқиқот ишига ҳисобот ёзиш кўникмасини (тадқиқот ишини расмийлаштириш тартибини ўзлаштириш, эксперимент орқали эришилган маълумотларни қайта ишлаш ва олинган натижаларни ҳисоботга киритиш) ривожлантириш; ўқув-тадқиқотчилик ишини тақдимот қилиш кўникмасини (тадқиқот ишида ахборот манбаларидан олинган маълумотлардан фойдаланиш, экспериментни бажариш жараёнида олинган натижалар муҳимлигини ва натижаларни қайта ишлашда математик моделлар ҳамда АКТ дастурлари ва тақдимот ўтказишда АКТ воситаларидан фойдалана олиш) ривожлантириш.

Методик тизимни ташхислаш таркибий қисми қуйидаги мезонларга асосланган: ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига бўлган муносабатлар (когнитив – олинган ахборот билан ишлаш, экспериментни ўтказиш кетма-кетлиги ва ишни ташкил этишни билиш); мотивацион (тадқиқот иши ва ҳодиса моҳиятини билишга бўлган қизиқиш); илмий билиш методларини ўзлаштириш (илмий абстракция, идеаллаштириш, гипотезани олға суриш, кузатиш, эксперимент ўтказиш, илмий фактлар асосида олинган натижалар баёни, ўлчаш, ҳисоблаш, умумлаштириш, таҳлил, синтез ва хулосалар); тадқиқотчилик тушунчаларини ўзлаштирганлик (тадқиқот муаммоси, тадқиқот методи); тадқиқот ишига оид маълумотларни олишга бўлган муносабат (турли ўқув адабиётлари, маълумотнома ва Интернет тизими); ижодий фикрлаш даражасининг ривожланганлиги (фикрий эксперимент, конвергент, дивергент, критик, креатив); муаммоли топшириқларни экспериментал йўл билан ечиш асосида ўқувчиларнинг эмпирик билимлари даражасининг сифатий тавсифномалари (фаоллиги, креативлиги); эксперимент ўтказиш жараёни (экспериментни лойиҳалаш, натижаларни олиш); олинган натижаларни қайта ишлашда АКТ ва математик моделлардан фойдаланиш даражаси.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш жараёнида ривожланган (АҚШ, Англия, Германия, Жанубий Корея, Россия каби) мамлакатларда кенг қўлланиб келинаётган замонавий педагогик технологиялардан ахборот-ривожлантириш технологияси (когнитив, билишга оид), ҳамкорлик фаолиятига асосланган таълим технологияси, шахсга йўналтирилган таълим технологияси, ривожлантирувчи муаммоли-изланиш технологияси қўлланилди. Бу таълим технологиялари ўқувчиларда ўқув-тадқиқот ишига нисбатан мотив, изланиш фаоллиги, когнитив ва креатив сифатларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни объектлари қуйидаги: ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ҳамкорлик, ўқув муассасасидаги моддий-техник таъминот, таълим муассасасининг методик таъминоти каби таркибий қисмлардан иборат. Факультатив курсни олиб бориш жараёни методик тизимнинг процессуал таркибий қисми ҳисобланади, яъни ўқитувчи ўқувчилар билан машғулот ўтказиш жараёнида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланиш жараёнини мунтазам кузатади.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўнималарини ривожлантиришнинг методик тизимини амалиётга жорий этишда «Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўнималарини ривожлантириш» факультатив курси асосий восита вазифасини ўтайди. Мазкур курс орқали қуйидагилар: ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик ишига бўлган мотивларни уйғотиш, ўқувчиларни ўқув-тадқиқот ишларини бажаришга тайёрлаш ҳамда уларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишини ташкил этиш ва ўтказиш**» номли учинчи бобида физик экспериментлар асосида академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган методик тизимни баҳолаш учун тажриба-синов ишини ташкил этиш ва уни ўтказиш, олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш вазифаси қўйилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг асосий шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

физик экспериментлар асосида академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш мазмунини аниқлаш;

физик экспериментлар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириш жараёнини ташкил этиш;

мазкур тадқиқотчилик иши жараёнида тайёрланган «Ўқувчиларда физик экспериментлар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш» факультатив курсини тажриба-синовдан ўтказиш;

ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш.

Тажриба-синов ишининг биринчи босқичи учун мақсад ва вазифалар белгилаб олинди (тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш). Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлик даражасини баҳолаш усуллари сифатида сўровномалар, ижодий турдаги масалалар, амалий экспериментал топшириқлар ва физик экспериментлар белгилаб олинди.

Тажриба-синов ишининг иккинчи босқичи (2015–2017 йй.), яъни изланиш босқичида академик лицей ўқувчиларида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини физик экспериментлар асосида ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Тажриба-синовнинг бу босқичида «Ўқувчиларда физик экспериментлар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш» факультатив курси яратилди ҳамда мазкур курсни тажриба-синовдан ўтказиш учун ТАТУ, ТИҚХММИ, АндДУ қошидаги академик лицейлар танлаб олинди.

Тажриба-синов ишининг изланиш босқичида дастлаб тажриба ўтказиладиган таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти ўрганилди. Таълим муассасаларининг моддий таъминоти (лаборатория ўқув жиҳозлари ва ахборот-коммуникация воситалари) кўра ўқув-тадқиқот ишининг мавзулари шакллантирилди. Ўқувчиларнинг ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ўрганилди. Ўқув-тадқиқот ишларини бажариш методи ишлаб чиқилди. Ўқувчиларда баҳоланадиган ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг таркиби (амалий ва интеллектуал) аниқлаб олинди. Ўқувчиларнинг ижодий турдаги масалаларни ечиш натижасига кўра улардаги конвергент ва дивергент фикрлаш даражалари ўрганилди (504 нафар ўқувчидан кузатув бошида 24,8% – конвергент, 6,7% – дивергент; кузатув охирида 44,6% – конвергент, 13,7% – дивергент). Ўқувчиларнинг экспериментал масалаларни ечишларига кўра улардаги изланиш фаоллигининг мавжудлиги ва ўзгариш динамикаси келтирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқувчиларда конвергент ва дивергент фикрлаш даражаларини ўрганиш натижалари

Фикрлаш даражаси	ТАТУ академик лицейи (162 нафар ўқувчи)		ТИҚХММИ академик лицейи (163 нафар ўқувчи)		АндДУ академик лицейи (179нафар ўқувчи)	
	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида	Тажриба-синов бошида	Тажриба-синов охирида
Конвергент	45	74	43	87	37	64
Дивергент	12	26	11	23	11	20

Тажриба-синов ишининг учинчи босқичида физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлигини аниқлаш босқичи якунига етказилди. Тажриба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили амалга оширилди ва натижалар умумлаштирилди. Назорат ва тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Кўникмалар	Тажриба гуруҳи (255 ўқувчи)				Назорат гуруҳи (249 ўқувчи)				T
		Q ₁₁ юқори	Q ₁₂ ўртача	Q ₁₃ паст		Q ₂₁ юқори	Q ₂₂ ўртача	Q ₂₃ паст	
Амалий кўникма	Тажриба бошида	16	58	181	Тажриба бошида	13	59	177	
	Тажриба охирида	29	109	117	Тажриба охирида	16	82	151	11,82
Интеллектуал кўникма	Тажриба бошида	11	34	210	Тажриба бошида	9	34	206	
	Тажриба охирида	19	67	169	Тажриба охирида	11	41	197	10,46

Олиб борилган педагогик тажриба-синов ишларини статистик таҳлил қилишда χ^2 -статистика методидан фойдаланилди. Ушбу гипотезалар χ^2 статистика мезонининг $T = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$ формуласи асосида текширилди. Бунда n_1 – тажриба ва n_2 – назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони. O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳларида баҳолаш тоифалари бўйича олинган даражалар сони. Тадқиқот ишида эркинлик даражаси – $\nu = 2$ ва $i = 1, 2, 3$ – тоифа рақамлари ($c = 3$). Ишончли фарқланиш даражаси 0,05 бўлганлиги учун Пирсон мезони коэффициентининг қиймати жадвалдан олинган $T_{\text{мез}}=5,991$ га тенг қиймат олинди, «Хи-квадрат» усулида ҳисобланган $T_{\text{куз}}$ қиймати барча ҳолларда $T_{\text{мез}} < T_{\text{куз}}$ эканлиги аниқланди.



2-расм. Тажриба гуруҳида педагогик тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили диаграммаси



3-расм. Назорат гуруҳида педагогик тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили диаграммаси

Аниқ фанлар йўналишидаги академик лицейларда «Ўқувчиларда физик экспериментлар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш факультатив курси»ни амалиётга жорий қилиш натижасида ўқувчиларда амалий кўникмаларнинг 5,1% (2-расм) ва интеллектуал кўникмаларнинг 3,2% га ошишига эришилди (3-расм).

ХУЛОСА

«Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш» мавзусида олиб борилган илмий-методик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизими қуйидаги: ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш педагогик фаолиятнинг элементлари, уни ривожлантириш жараёнидаги педагогик технологиялар ва объектлар ҳамда ўқув-тадқиқотчилик кўникмалари ривожланганлик даражасини ташхислаш каби таркибий қисмлардан ташкил топиши назарий жиҳатдан асосланди.

2. Академик лицейларда таълим самарадорлигини ошириш учун ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизимини «Ўқувчиларда физик экспериментлар асосида ўқув-тадқиқотчилик

кўникмаларини ривожлантириш факультатив курси» орқали амалиётга жорий этиш зарурияти асосланди.

3. Физик экспериментлар воситасида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш тамойили асосида ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш, ўқув-тадқиқот ишларини бажаришга тайёрлаш ҳамда уларда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш босқичлари ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали усули эканлиги аниқланди.

4. Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш тизимлилик, фанлараро интеграция, ижодий фаоллик ҳамда ўз фаолиятини баҳолаш тамойилларига таяниши аниқланди.

5. Физик экспериментлар асосида ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолият ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларининг айрим элементларини ўзлаштиришига ва уларда когнитив ва креатив сифатлар ривожланишига асос бўлиши аниқланди.

6. Аниқ фанлар йўналишидаги академик лицейларда «Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш методик тизими»ни амалиётга жорий қилиш натижасида ўқувчиларда амалий ва интеллектуал кўникмалар ошганлиги математик статистик метод ёрдамида аниқланди.

Ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, қуйидаги таклифлар берилди:

а) физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тизимидан республикамиздаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида физика ўқитишда ўқувчиларни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда фойдаланиш;

б) халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида «Ўқувчиларни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш» мавзусида 12 соатлик тренинг машғулот дарсларини жорий қилиш;

в) педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида «Мактабда ўқув-тадқиқот фаолияти»ни ривожлантирувчи танлов фанини киритиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

СУЯРОВ КУШАРБАЙ ТАШБАЕВИЧ

**РАЗВИТИЕ УЧЕБНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ УМЕНИЙ
У УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ФИЗИЧЕСКИХ ЭКСПЕРИМЕНТОВ
(на примере академических лицеев)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/Ped1148.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (cspi.uz.ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Усаров Жаббор Эшбекович кандидат педагогических наук
Официальные оппоненты:	Махмудов Юсуп Ганиевич, доктор педагогических наук, профессор Олимов Косим доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.ped.82.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за №____). Адрес: 111720, г. Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года).

Ш.К. Мардонов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

Ф.Т. Ражабов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н. по
географии (PhD)

Р.А. Эшчанов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В условиях развития мирового образования, изменения научного познания и его парадигм, точные науки, в частности предмет «Физика», рассматриваются в качестве многофакторного феномена, влияющего на развитие интеллектуального потенциала личности. Широкое применение методов математического вычисления и информационно-коммуникационных технологий, межпредметных научных поисков, осложнение технической, физической экспериментальной базы, глобализация актуальных фундаментальных проблем (например, Большой Адронный Коллайдер) в исследовательских работах по физике требуют подготовки современных компетентных исследователей, работающих в сотрудничестве.

В качестве важного фактора формирования информационно-образовательной среды, способствующей развитию творческих возможностей личности в мировом масштабе, необходимо совершенствовать современные дидактические средства, формы и методологию подготовки, организации и проведения физических экспериментов, направленных на развитие активности, изысканий, созидательности, исследовательских способностей обучающихся. При этом более актуальное значение приобретают вопросы применения методик интерактивного образования при обучении физике, интеграции традиционных и современных методов преподавания физики, комплектации на основе информационно-коммуникационных технологий; поэтапного совершенствования технологии учебно-исследовательских умений у учащихся.

В нашей республике проводятся изыскания по совершенствованию и оптимизации методики преподавания физики в учреждениях непрерывного образования, применению интерактивных педагогических технологий в процессе обучения. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в качестве приоритетной задачи определено «дальнейшее совершенствование непрерывного образования, повышение возможностей качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными требованиями рынка труда»¹. В данной области возникает необходимость подготовки компетентных кадров, способных сравнивать, анализировать, обобщать научные факты, находить оптимальные варианты решения, самостоятельно принимать решения в проблемных ситуациях, вести системные исследовательские работы и реализовывать положительные результаты на практике в условиях информатизации и глобализации образования, интеграции науки, образования и производства.

Данная диссертация в определенной мере служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3274 от 14 сентября 2017 года «Об организации специализированной школы по углубленному изучению предметов направления информационно-коммуникационных технологий имени Мухаммада ал-Хорезми», № ПП-3275 от 14 сентября 2017 года «О создании государственной специализированной общеобразовательной школы-интерната имени Мирзо Улугбека», № ПП-4199 от 20 сентября 2019 «О мерах по образованию президентских школ» в целях развития интеллектуальных и творческих способностей молодежи, поддержки и стимулирования талантливых детей и в других соответствующих нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления агентства науки и технологии республики – I. «Духовно-моральное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей республике, в странах содружества и в зарубежных государствах проведен ряд исследовательских работ по совершенствованию системы образования, повышению творческих способностей учащихся. Исследовательские работы, проведенные учеными нашей республики, в частности О.К.Кувондикова, К.А.Турсунметова, Ю.Пулатова, посвящены совершенствованию преподавания физики на основе физических экспериментов; Д.Шодиева и А.Авлёкулова – подготовке учащихся к проведению мысленного эксперимента, научные труды М. Курбонова, С.Ю.Махмудовой и Х.Х.Тожибоевой посвящены расширению методологических функций физического эксперимента. А в исследовательских работах Б.Н.Нуриллаева и Д.А.Бегматовой разработаны методологические рекомендации по повышению содержания и общего качества образования посредством практикума по физике. Однако в научно-исследовательских работах ученых нашей республики недостаточно изучены проблемы по развитию учебно-исследовательской деятельности учащихся.

Со стороны российских ученых проведены следующие исследовательские работы: В.Г.Разумовским – по развитие творческих способностей учащихся, А.В.Усовой – по формированию научных понятий у учащихся в процессе обучения, Е.Е.Чудиной – по учебно-исследовательские проекты, Н.Ф. Талызиной – по поэтапному формированию умственной действию, А.И. Савенковым – по развитию исследовательской способности у учащихся, А.В.Хуторским – по технологии креативного обучения, А.М. Матюшкиным – по значимость творческой исследовательской деятельности в образовании, Н.Г.Алексеевым, А.В. Леонтовичем, А.С.Обуховым, Л.Ф.Фоминой – по концепция развития исследовательской деятельности учащихся, А.Н.Поддяжковым – по методологическим основам развития учебно-исследовательской деятельности, Т.В. Августмоновой, О.Г.Прокозовой, О.Л.Байзулаевой, Г.Ф.Мухамадияровой и Е.Ю.Кравцовой – по возможности ознакомления с современными методами осознания в качестве проявления в высшей степени самости личности учебно-исследовательской деятельности у учащихся.

По совершенствованию учебно-исследовательских навыков в процессе обучения учеными-психологами зарубежных стран (P.Guilford, R.T.Broun, C.Martindal) проведены исследовательские работы по психофизиологическим особенностям творческого процесса учащихся (эмоциональность, степень умственной деятельности на различных фазах творческого процесса, интуиция).

